



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикамизда кучли мактабга эга бўлган ҳамда Олимпия ўйинлари ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спорт курашлари олимпия спорт турларидан бири сифатида янада кенг ривожлантириш, иқтидорли ёшларни эркин ва юнон-рум кураши билан мунтазам шуғулланишга фаол жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда тренер кадрларнинг салоҳиятини ривожлантириш, шу асосда мамлакатимиз терма жамоалари учун ишончли захира шакллантириш борасида зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясининг Тошкент шаҳрида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги идоравий спорт комплексига тегишли бинолар ва иншоотларнинг бир қисми негизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш истеъдодли курашчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган ўз интернатида эга бўлган спорт-соғломлаштириш муассасаси сифатида ташкил қилинади;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг умумий контингенти 60 нафар ўқувчи ташкил қилади, улар турар жой, тўрт маҳал оқват, спорт экипировкаси ҳамда махсус кийим-бош, спорт ускуналари ва анжонлари билан таъминланадилар.

3. Қўйидагилар Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг асосий вазибалари этиб белгилансин:

зарур бўлган тақдирда спорт кураши бўйича хорижий тренерлар ва мутахассисларни таклиф қилган ҳолда, курашчиларни спорт кураши соҳасида энг янги илмий-методик таълимлар асосида тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини юқори даражада ташкил қилиш;

назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг профессионал қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, замонавий спорт курашлари ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон терма жамоаларини тайёрлаш даражасини ошириш;

Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси (ФИЛА) тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини тизимли асосда ошириб бориш;

ўқувчи-курашчилар ва тренерлар таркибининг профессионал маҳоратини ошириш учун тажриба алмашиш борасида спорт кураши бўйича хорижий мактаблар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини молиялаштириш қўйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Давлат бюджети маблағлари; Спорт курашлари ассоциацияси маблағлари;

ҳўмилар маблағлари ва халқаро ташкилотларнинг грантлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги бир ой муддатда Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шўх кўчасида жойлашган спорт комплексининг тегишли бинолари ва иншоотларини, бошқа мулкларини, «Динамо» стадионини Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг балансига белгиланган тартибда бегул ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг тузилмасини ва мактабга ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш тартибини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби ўқувчиларининг яшаб туриши учун жиҳозлар, озиқ-овқат, шунингдек, спорт экипировкаси ва кийим-бош билан таъминлаш нормативларини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машгулот, спорт ва ҳужалик ускуналари, жиҳозлар, замонавий компьютер техникаси, техник ҳамда транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мулкларнинг зарур рўйхатини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби учун ўқув-машгулот корпусининг қурилишини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда белгиланган тартибда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг Низоми тасдиқланишини, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Спорт курашлари бўйича их-

тисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг юқори малакали мутахассислар билан таъминланишини, ўқув хоналарининг зарур ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозланишини;

икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёш курашчиларни тайёрлаш дастури тасдиқланишини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини таъминлашнинг сифати мунтазам равишда мониторинг қилиб борилиши ва зарур ҳолларда тайёргарлик жараёнига тегишли тузатишлар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясига:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабига тизимли асосда ташкилий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

икки ой муддатда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини керакли ўқув-машқ ва спорт ускуналари, мебель ва анжонлар, замонавий компьютер техникаси, техник ва транспорт воситалари ҳамда бошқа мол-мулк билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ҳўмилар билан биргаликда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаби тренерларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, шунингдек, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабининг олимпия захиралари мактабининг ўқув-машгулот жараёнига федерациянинг кадрлар ва ўқув-методик салоҳияти жалб этилишини таъминлаш тавсия қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорга мувофиқ, 2013 йилдан бошлаб ҳар йили, Давлат бюджети параметрларида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабини ташкил қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда унинг жорий таъминоти билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин;

3 та хизмат автотранспорти, шу жумладан, битта автобус таъминоти учун лимит белгиласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Тошкент шаҳри, 2012 йил, 24 сентябрь

И. КАРИМОВ

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти



ЁШ СИЁСАТЧИЛАР ТАНЛОВИ

МАНА, БИР НЕЧА ЙИЛДАН БУЁН ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТИЗИМИДА «ЁШ СИЁСАТЧИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

Танловнинг асосий мақсади ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, мамлакатимизда демократик ислохот-

ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш каби

эзгу мақсадларга қаратилган. Шунингдек, бу танлов партиянинг ёш фаоллари қатламини шакллантириш, ўз истеъдоди ва ташкилотчилик қобилиятини намоён этганларни партия ташкилотларида ишлашга ва депутатликка номзод сифатида тайёрлашга хизмат қилмоқда. Бу йилги танловнинг ту-

ман, вилоят босқичлари шуни кўрсатдики, «Ёш сиёсатчи» танловига қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Ўн минг нафардан ортик ёшлар орасидан 14 нафари танловнинг республика босқичига йўланмани кўлга киритди. Айни пайтда улар ёш сиёсатчиларнинг хал қилувчи беллашувига қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Депутатлик гуруҳлари — электорат манфаати ҳимоячиси

ЮҚОРИ ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ВА БАРҚАРОР

янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш саноатни ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир

2-бет

Халқаро анжуман

ЖАҲОН ЎЗБЕКISTON ТАЖРИБАСИНИ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА

СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА МУҲИМ ОМИЛ ҲИСОбЛанади. ЮРИСТ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСINI ОШИРИШ ЭСА БУ ИСЛОХОТЛАРНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИДИР.

Тажрибада синалган бу эътироф ўтган ҳафтада Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамкорлигида ташкил этилган икки кунлик конференцияда анжуманнинг барча иштирокчилари томонидан қайта-қайта такрорланди.

«Ривожланган демократик давлатларнинг юрист кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги

тажрибаси» мавзусида ўтказилган мазкур тадбир юрист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди. Анжуманда алоқадор вазирликлар ва идоралар, юридик таълим муассасалари вакиллари, соҳанинг етуқ мутахассислари ҳамда Япония, Буюк Британия, Германия, Россия, Венгрия давлатларидан келган мутахассис ва экспертлар иштирок этди.

⇒ 3

Футбол



ЎЗБЕКISTON — ҲИНДИСТОН — 3:2

ШУ КУНЛАРДА ЭРОНДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА (U-16) ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛ БОСҚИЧИ УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Унда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «Д» гуруҳида Ҳиндистон, Хитой ҳамда суриялик тенгдошлари билан баҳс юритмоқда. Дастлабки турда ҳамюртларимиз Ҳиндистонлик ёш футболчиларга қарши майдонга тушди — 3:2.

Гуруҳнинг иккинчи ўйнида Сурия — Хитой жамоалари ўзаро куч синашди — 1:1.

Бугун вакилларимиз навбатдаги учрашувда хитойликлар билан баҳс юритади.

Эркин ХОЛБОБОВ

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 25 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Евро	2528,98	1 Дания кронаси	337,35	1 Хитой юани	307,47	1 Туркия лираси	1080,48
1 АҚШ доллари	1938,60	1 БАА дирҳами	527,87	1 Украина гривнаси	242,54	1 Швейцария франки	2077,37
1 Россия рубли	62,20	1 Миср фунти	318,43	1 Малайзия ринггити	633,53	10 Жанубий	
1 Австралия доллари	2020,41	1 Испания кронаси	15,71	1 Польша злотийси	608,61	Корея вони	17,32
1 Англия фунт стерлинги	3145,38	1 Канада доллари	1982,41	1 СДР	2996,11	10 Япония иенаси	248,22

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Спорт

ЖАҲОН КУБОГИ БЕЛЛАШУВЛАРИДА

Ўзбекистонлик дзюдочилар умумжамоа ҳисобида 1 та олтин, 5 та кумуш ва 11 та бронза медалига сазовор бўлди

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКISTON» СПОРТ САРОЙИДА ДЗЮДО БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ЖАҲОН КУБОГИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА УЧИНЧИ МАРОТАБА ЎТГАН МАЗКУР НУФУЗЛИ МУСОБАҚАДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗДАН ТАШҚАРИ, АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ, ЯПОНИЯ, БЕЛОРУССИЯ, КАНАДА, ТУРКМАНИСТОН, РОССИЯ, ИСРОИЛ, ҚОЗОҒИСТОН, БЕЛЬГИЯ, ҚИРҒИЗИСТОН ҲАМДА ТОЖИКИСТОНДАН 170 НАФАР, ЖУМЛАДАН, 106 ЭРКАК ВА 64 АЁЛ СПОРТЧИ ҒОЛИБЛИК УЧУН МАЙДОНГА ЧИҚДИ.



Сарвар ҲУМОНОВ, (ЎЗА) олган сурат.

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Дзюдо миллий федерацияси ҳамкорлигида уюштирилган баҳсларда мамлакатимиз терма жамоаси шарафини асосан ёш полвонлар ҳимоя қилди.

Осиё чемпионати ўтказилди, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Андрей Штурбабин. — Юртимизда иқтидорли дзюдочилар талайгина. Уларни излаб топшиш ва кашф этишда бу каби халқаро мусобақалар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, етакчи полвонларимизга муносиб издошлар тайёрлаш мақсадида кўпроқ ёшларга эътибор қаратдик.

Жаҳон кубоги беллашувлари ёш дзюдочиларимиз учун Хитой-Тайпейда бўладиган қўшма чемпионатга йўланма олиш имкониятини беради. Чунки терма жамоамизнинг асосий таркиби 11 — 13 октябрь кунлари Абу-Даби (Бирлашган Араб Амирликлари)да бўладиган Гран-при туркумидаги йирик халқаро турнир, ноябрда эса Бразилияда ўтказиладиган жамоавий жаҳон чемпионати беллашувларида кизгин ҳозирлик кўроққа.

Икки кун давом этган муросасиз ва шиддатли баҳсларда ҳамюртларимиздан Мирали Шарипов (73 кг) олтин, Дирбек Ҳасанов (60 кг), Ҳамиджон Мўминов (66 кг), Арсен Бабаев (73 кг), Уткир Курбонов (100 кг), Виктор Озаева (70 кг) кумуш, Авазбек Корганов (73 кг), Улугбек Норқобилов (73 кг), Шухратжон Арслонов (81 кг), Эркин Дониёров (90 кг), Сойиб Курбонов (100 кг), Фахриддин Шарипов (100 кг), Болтабой Болтаев (+100 кг), Одилжон Тулендибоев (+100 кг), Нодира Гулова (48 кг), Дилдора Убайдуллаева (52 кг), Шоҳиста Сафарова (63 кг)лар бронза медаллари билан тақдирландилар.

Юртимизда дзюдонинг тобора тарққий этиб бораётгани, иқтидорли спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида улкан ютуқларга эришаётгани, нуфузли мусобақаларни юксак савияда ўтказиш борасида мамлакатимизда катта тажриба тўпланган халқаро спорт ташкилотлари томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Жумладан, Халқаро дзюдо федерацияси қарорига кўра, 2013 йилда Гран-при туркумидаги йирик халқаро турнирлардан бири Тошкентда ўтказиладиган бўлди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Диққат, болалар!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН РЕЖАГА КЎРА, ҲАР ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ТАЪЛИМ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА «ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!», «ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ҒОИДАСИ» КАБИ МАВЗУЛАРДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ БЎЙИЧА ДАРС ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИБ КЕЛИНАДИ.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ



Санжар ШОТЎЛЛАЕВ олган суратлар.

Машғулотлар давомида болалар пиёда сифатида майдонда махсус ясалган йўл чизиклари белгиларидан юришади, машина рулига ўтирган «хайдоччи»га эса қандай йўл қоидаларига риоя этиш кераклиги ўргатилади. Бундай кўргазмалар воситалардан фойдаланиб ўтилган амалий машғулотлар давомида бола йўл қоидаларини тез ўрганилади.

Яққасарой туманидаги 300-сонли мактабгача таълим муассасасида йўл ҳаракати қоидалари чуқур ўргатилади. Бу ерда машғулотлар пайтида махсус ўқув қўланмалар, ўйинчоқ автомобиллар ҳамда йўл чизиклари туширилган макет ва плакатлардан фойдаланилади.

Болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини билмаслиги йўл транспорт ҳодисалари содир этилишига сабаб бўлмоқда, — дейди Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Зоир САИДАЛИЕВ. — Бундай бахтсиз ҳолатлар биз катталарни, айниқса, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини гоятда ташвишга солади. Шу сабабли ҳам йўл ҳаракати қоида-си бўйича болажонларимизга ўтилаётган дарсларга пухта тайёргарлик кўраемиз. Токи бизнинг машғулотларимизда болалар йўл қоидаларини бир умр эслаб қолишсин

ва уларга риоя этишсин. — Бизнинг гуруҳимизда ҳаётини муҳофаза қилиш сабоқларига алоҳида эътибор берилади, — дейди 300-сонли МТМ катта гуруҳ тарбиячиси Малоҳат САГАТОВА. — Шунинг учун йўл хавфсизлиги хизмати ходимлари билан ҳамкорликда бир ойда 2 марта йўл ҳаракати қоидалари бўйича машғулот ўтказиб тура-миз. Бунда албатта, боғча атрофида чиқиб йўлларни, йўлдан ўтаётган пиёдаларни ва одамларни кузатамиз, болаларни имкон қадар экскурсияларга олиб чиқамиз. Яқинда янги юмшоқ ўйинчоқ шаклидаги йўл чизиклари, ўйинчоқ автомобиллар ва йўл белгилари гуруҳимизга топширилди. Айниқса, ана шу воситалар асосида ўтказиладиган машғулотлар уларда катта қизиқиш уйғота-пти.

Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан олиб борилган тахлилларга кўра, вояга етмаган болалар орасида содир этилган ҳодисалар ўтган йилга нисбатан ўртача 20 фоизга камайган. Бу яхши, албатта. Аслида эса бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг ҳар бири бизни каттиқ ташвишга солиши лозим. Шу боис йўл ҳодисасининг олдини оладиган ҳар қандай ибратли тажрибани кенг оммалаштиришга ҳаракат қилишимиз керак.

Альбина ЖУМАНОВА.



Оила ҳақидаги ҳикमतлар

Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир. Агар содат, иззат, осойишталик, роҳат, шараф, номус ва эътибор керак бўлса, тезроқ авлод тарбияси усулларини библиб олиб, болаларимизни шу усул ва қоидалар асосида тарбия этишимиз лозим.

Модомики, дунё кураш майдони экан, модомики, миллатимиз бошқа миллатлар билан бирга ҳаётининг ҳимояси ва саодатига эришиш учун курашар экан, бу майдонда галабага эришган ва сазовор топган миллатларга аҳамият бериш лозим. Қандай қурол билан улар ғолиб бўлиб, саодатга эришган бўлсалар, биз ҳам ҳаракат қилиб ва интилоқ қилиб, ўз фарзандларимизни шундай қуроллар билан қуролантириб, майдонга туширишимиз керак. Бундан бошқа чора йўқдир ва бўлмайдир ҳам.

Яна шуни ҳам айтиардимки, фарзандларимиз, ақлдан ва ахлоқдан камолга етиштириб, ҳаёт майдонига кучли, ақлли ва яхши ахлоқ билан чиқариш зарур.

Абдурауф ФИТРАТ

ЧЕМПИОНЛИККА КИМЛАР ДАЪВОГАР?

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКISTON XXI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ ЙИГИР-МАНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИНИ ЎТҚАЗИШДИ. АВВАЛГИ МАВСУМЛАРДАН ФАРҚЛИ ЖИҲАТИ, АМАЛДАГИ ЙИЛДА ЧЕМПИОНЛИК УЧУН ШИДДАТЛИ КУРАШ БОРМОҚДА.

Буни охири турда қайд этилган бир қатор кутилмаган натижалар ҳам тасдиқлаб турибди.

Чемпионат учрашувларини бир мунча султ ўтказиб «Анджон» фут-

болчилари сўнгги ўйинда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасига қарши майдонга тушди. Ақсарият муҳлислар ушбу учрашувда анджонликлар рақибларига муносиб қаршилик

кўрсатишини кутишганди. Аммо унда пахтакорчилар сафарда тўп суришларига қарамай, ишончли галабани қўлга киритишди — 2:4. Яна бир кутилмаган натижа Муборакда «Машъал» — «Нефтчи» жамоалари баҳсида кузатилди. Унда жадвалнинг куйи погоналаридан биринчи банд этиб турган газчилар йирик ҳисобда зафар қучишди — 3:0.

Ўтган йилги ОФК кубоги

ва мамлакат миллий чемпионати кумуш медали совриндори «Насаф» футболчилари ҳам Зарафшонда «Қизилқум» жамоаси билан дуранг ўйнади — 1:1.

Турнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд қилинди: «Шўртан» — «Динамо» — 1:0, «Локомотив» — «Металлург» — 5:1, «Навбахор» — «Олмалик» — 3:1, «Бунёдкор» — «Бухоро» — 1:0.

Реклама

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

сервер ускуналари етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун буюртманома юборган шахсларга танлов ҳужжатлари ушбу эълон чиққан санадан бошлаб 8 календарь кун мобайнида берилади.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш, бу таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилагани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, ушбу эълон чиққан санадан кейин 30 календарь кун ўтгач, соат 17:00 да тўхтатилади.

Буюртманома шаклини (буюртманоманинг электрон шакли www.nbu.com веб-сайтида бор) ва танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101. «Ўзмиллийбанк»нинг Бош маъмурий биноси. Телефон: 235-56-09, 234-02-61, факс: 235-09-22. Алоқада бўлувчи шахслар: Ҳасанов Ярослав Ҳусанович, Искандаров Самандар Искандар ўғли

email: yhasanov@central.nbu.com ёки siskandarov@central.nbu.com

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Oracle маълумотлар базасини бошқариш тизими» тизимли дастурий таъминоти лицензияларини сотиб олиш бўйича

очиқ тендер ўтказилишини эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан қабул қилинади.

Тендерда қатнашиш учун буюртманома юборган шахсларга тендер ҳужжатлари ушбу эълон чиққан санадан бошлаб 8 календарь кун мобайнида берилади.

Олинган тендер ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш, бу таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилагани ёки шахсан келтирилганидан) қатъи назар, ушбу эълон чиққан санадан кейин 30 календарь кун ўтгач, соат 17:00 да тўхтатилади.

Буюртманома шаклини (буюртманоманинг электрон шакли www.nbu.com веб-сайтида бор) ва тендер ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Тему́р шоҳқўчаси, 101.

«Ўзмиллийбанк»нинг Бош маъмурий биноси телефон: 235-56-09, 234-02-61, факс: 235-09-22 Алоқада бўлувчи шахслар: Ҳасанов Ярослав Ҳусанович, Нам Евгений Платонович

email: yhasanov@central.nbu.com ёки enam@central.nbu.com

Газетанинг навбатдаги сони 29 сентябрь, шанба кун чикади.

ОБ-ҲАВО	25-26 – 09. 2012
Юртимиз бўйлаб (°С)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+8 / +13 +25 / +30
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+10 / +15 +26 / +31
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	+10 / +15 +26 / +31
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+11 / +16 +27 / +32
Анджон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	+9 / +14 +25 / +30
Тошкент шаҳри	+11 / +13 +28 / +30
Дунё бўйлаб (°С)	
Лондон	+8 / +10
Париж	+10 / +9
Москва	+4 / +3
Мадрид	+11 / +10
Пекин	+12 / +11
Канберра	-1 / -3
Рим	+14 / +11
Афина	+15 / +14
Токио	+22 / +20
Стокгольм	+8 / +9
Кейптаун	+7 / +9
Қоҳира	+18 / +18
Гавана	+19 / +19
Вашингтон	+12 / +12

MUASSIS:
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

ТАНРИР НАҲ’АТИ:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiiddin
Latif G’ULOMOV	Ulug’bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat’yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o’rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BO’LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ’ibot — 233-12-56; Sport va vatandorlik — 233-44-55; Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyot — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko’chasi, 32-uy.

Gazeta O’zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro’yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko’chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O’zbekiston ovozi» materiallarini ko’chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946
10525
nuxxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O’zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 01.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Erkin XOLBOYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG’ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2030-7633

1 2 3 4 5